ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00209

МЕВАЛИ БОҒЛАРДА ҚАЛҚОНДОРЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

А. М. Худойқулов
Тошкент давлат аграр университети

Ш. А. Маҳмудова
Тошкент давлат аграр университети

Н. Иргашева
Тошкент давлат аграр университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мевали боғлардаги қалқондорларнинг зарари, ва уларга қарши кимёвий препаратлардан Адмирал 10% эм.к. ва Фуфанон 57% эм.к. препаратларининг биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани “Оҳаклик олтин боғлари меваси” МЧЖ га қарашли интинсев мевали боғларида олиб борилган. Олинган натижалар асосида хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Олма, гилос, олхўри, шафтоли, турон сохта қалқондори, бинафша рангли қалқондор, вергулсимон қалқондорлар, вариантлар, биологик самарадорлик.

BIOLOGICAL EFFICIENCY OF CHEMICAL PRODUCTS AGAINST SHIELDS IN ORCHARDS

A. M. Khudoykulov
Tashkent State Agrarian University

S. A. Mahmudova
Tashkent State Agrarian University

N. Irgasheva
Tashkent State Agrarian University

ABSTRACT

In this article, the damage of orchards in orchards, and the chemicals against them Admiral 10% em.k. and Fufanon 57% em.k. In order to determine the biological effectiveness of the drug, it was carried out in the orchards of Intinsev belonging to LLC

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00209

"Fruit of the Golden Gardens of Lime" Samarkand district of Camarkand region. Based on the results obtained, conclusions and recommendations are given.

Keywords: Apple, cherry, plum, peach, turon fake shield, purple shield, comma shield, options, biological efficiency.

КИРИШ

Бугунги кунда республикамиз аҳолисини озиқ–овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида маҳсулот етиштириш ҳажми ва турларини кўпайтириш шунингдек, қишлоқ аҳолисини даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантириш мақсадида бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бир қарор, фармонлар қабул қилинди.

Кейинги йилларда республикамизнинг тоғли ва тоғ олди туманларида интенсив мевали боғлар майдонлари кенгайиб бориши билан бирга, сўрувчи зараркунандаларининг зарарли таъсири туфайли ҳар йили 15-20% ҳосил нобуд бўлмоқда [5;].

Мевали боғларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири – уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишдир. Юртимиз боғларида уруғ мевали дарахтлардан олма, нок ва беҳига ўсимлик битлари (ширалар), қон бити, қалқондорлар, мевахўрлар ва ўргимчаккана, данак мевали дарархтларга эса ўсимлик битлари (ширалар), қалқондорлар, мевахўрлар, баргхўрлар жиддий зарар етказади. Бу зараркунандалар биоэкологиясини яхши билиб, кураш тадбирларини уларнинг энг заиф даврида ўтказиш яхши самара беради. Ўсимлик битлари (ширалар) тушган олма, нок, шафтоли, ўрик, олхўри, бодом каби мевали дарахтлар барглари бужмайиб қолади, баъзан эса тўкилиб кетади. Ёш кўчатлар, жумладан, шафтоли ниҳолларига ширалар, айниқса, катта зарар етказади: мева ширасини сўриб, сифатини пасайтиради. Нимжон бўлиб қолган дарахтларга иккиламчи зараркунанда - пўстлоқ ости қўнғизлари тушиб зарарлайди, дарахтлар қуриб қолади. Баҳор охирларида ширалярнинг кўп турлари мевали дарахтлардан бошқа ўсимликлар ёки сабзавотларга ўтади. Кўпгина йиртқич ва паразитлар - хонқизи, сирфид пашшаси, олтинкўз, яйдоқчи каби фойдали ҳашаротлар ширалар билан озиқланиб уларнинг миқдорини камайтиради.

Қалқондорлар мевали дарахтлар, резавор мева, буталар ва манзарали ўсимликларга зарар етказади. Калифорния қалқондори мевали дарахтларнинг шохи, новда, барг, дарахт пўстлоғи ва мевасини зарарлайди. Натижада

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00209

дарахтлар кам ҳосил беради, кучли зарарланганда қуриб қолиши мумкин. Сохта қалқондор личинкаси калифорния қалқондоридан каттароқ бўлади, баҳорда тез кўпаяди ва ўзидан шира ажратади.

Асосий зарари қалқондорларнинг озиқланиши натижасида вужудга келади: мева ва барг юзасида доғ ҳосил қилади. Бундай меваларнинг сифати паст, узоқ муддат сақлаш қийин. Сохта қалқондорлар кўпайганда дарахт ўсишини сусайтиради. Бинафшаранг қалқондор олма дарахтининг энг хавфли зараркунандаларидан бири. У дарахтнинг танаси, шохи, новдаси ва ҳосилини зарарлайди. Дарахтнинг кучли зарарланган қисми қуриб қолади. Дарахт танаси ва шохида кўпгина дарз ва ёриқлар пайдо бўлади. Дарахтлар ўсишдан тўхтайди, танаси деярли йўғонлашмайди, шох ва новдалари қурийди. Бинафшаранг қалқондор тушган ёш дарахтлар 2–3 йилда нобуд бўлади [5.].

Ушбу қалқондорлардан турон сохта қалқондори энг юқори ўринни эгаллайди, яъни 34,4% ни, бинафшарангли 11,4% ни, Ўрта Осиё вергулсимон қалқондори эса 10,9% ни, қолган турлари 7% ни ташкил қилади [2;283-290 б.].

Мевали дарахтларнинг қалқондорлар билан зарарланиши биринчи ўринни шафтоли (12,8%) эгаллаб, олхўри, ўрик, олчани қалқондорлар 10,1-10,9 % зарарлаб гилос энг кам даражада қалқондорлар билан зарарланган 8,6% ва ўртача бали 1,7 га тенг [1;200-212 б.].

Ушбу қалқондорлар личинкаларига қарши инсектицидларни қўллаш ва биолгик самарадорлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди.

МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Самарқанд тумани “Оҳаклик олТин боғлари меваси” МЧЖ га қарашли интинсев мевали боғларида олиб борилди.

Тажриба учун танлаб олинган олма дарахтларининг новдалари кузатилиб, зарарланиш фоизлари аниқлангач, ҳар бир вариантда 4 тадан дарахт танлаб олинди. Тажрибадаги танлаб олинган олма дарахтлардаги қалқондорларга қарши Адмирал 10% эм.к. препарати ва андоза сифатида эса Фуфанон 57% эм.к препаратлари қўлланилди. Олинган натижалар эса умум қабул қилинган услублар асосида таҳлил қилинди [3;47-49-б.].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қалқондорларга қарши Адмирал 10% эм.к. препарати 0,5 л/га, қўлланилган вариантда, препарат қўллашдан олдин зараркунанда сони 5,9 донани ташкил қилган бўлса, кейинги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00209

3 кун биологик самарадорлик 28,2% ни ташкил этган бўлса, 5 кунга келиб, 68,3%, кузатувларимизни 7 кунига келиб эса самарадорлик энг юқори бўлди, яъни 90,4% биологик самарадорликка эришилган бўлса, 14 кунга келиб эса самарадорлик бир оз пасайишга оли келди, яъни 80,4% ни ташкил қилди.

Кейинги вариантда яъни, Фуфанон 57% эм.к. препаратининг 2,0 л/га, сарф меъёрида қўлланилган вариантда ҳам самарадорлик кузатувларимизнинг 7 кунига келиб, юқори бўлди, яъни 84,8% ни ташкил қилди. Ушбу вариантда препарат қўлланилгандан кейинги 14 кунга келиб, эса самарадорлик 80,5% ни ташкил қилди.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, қалқондорларга қарши кураш олиб боришда, кузги ва баҳорги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали қилиб ўтказиш улар сонини бошқаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ушбу қалқондорларга қарши Адмирал 10% эм.к. препаратини гектарига 0,5 л/га ҳисобида ўз вақтида қўллаш орқали юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин.

REFERENCES

1. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқалар. Умумий ва қишлоқ хўжалиги энтомологияси. Тошкент.”Ўқитувчи” 2002 й. 200-212 бет.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари – Тошкент: «Наврўз», 2014. 283 – 290 бет.
3. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатма – Тошкент: «Куҳи-нур» МЧЖ, 2004. 47-49 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати, - Тошкент. 2016 й.